

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

САДИКОВ САНДЖАР АБДУМАЖИТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА “ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ”
ТИЗИМИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИ**

12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи.

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Садиков Санджар Абдумажитович

Ўзбекистон Республикасида “Электрон ҳукумат” тизими ҳуқуқий
асосларининг шаклланиши ва ривожланиши.....3

Садиков Санджар Абдумажитович

Формирование и развитие правовых основ системы “Электронное
правительство” в Республике Узбекистан.....27

Sadikov Sandjar Abdumajitovich

Formation and development of the legal foundations of the «Electronic
Government» system in the Republic of Uzbekistan.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works56

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

САДИКОВ САНДЖАР АБДУМАЖИТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА “ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ”
ТИЗИМИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИ**

12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи.

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.2.PhD/Yu35 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифасида (www.dba.uz/uz/avtoreferatlar) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Адилходжаева Сурайё Маҳкамовна
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маматов Худоёр Тешаевич
юридик фанлар доктори, профессор

Исхакова Лавиза Фуатовна
юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 31 январь куни соат 15.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (55-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 13 уй. Тел.: 71-233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил 15 январь куни тарқатилди.

(2020 йил 15 январдаги 31 рақамли реестр баённомаси).

О.Т. Хусанов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
юридик фанлар доктори, профессор

Д.А. Каримов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, юридик фанлар номзоди

Ж.У. Тошқулов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори,
профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳозирги пайтда ахборот-коммуникация технологияларининг (АКТ) ривожланиши жаҳон ҳамжамияти ҳаётининг муҳим омилларидан бирига айланмоқда. Уларнинг кенг тарқалиши замонавий воқеликни ўзгартирмоқда, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда сезиларли ўзгаришларга – “ахборотлашган жамият” шаклланишига олиб келади. АКТ сиёсий коммуникация характериға, давлат тавсифига катта таъсир кўрсатиб, давлат институтлари ва фуқаролик жамияти ўртасида ўзаро муносабатларни сезиларли даражада ўзгартирмоқда. Глобал ахборотлаштиришнинг янги шароитларида сиёсий-давлат бошқаруви ривожланишининг муҳим тенденцияси сифатида “Электрон ҳукумат” яратилишини кўрсатиш мумкин.

Жаҳонда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан миллий ва халқаро миқёсда локал ахборот ресурслар ва иловаларни яратиш учун барча ҳаракатларни амалга ошириш бўйича вазифа қўйилган эди. Ушбу режани халқаро миқёсда амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатларни мувофиқлаштиришни БМТ доирасида махсус ташкил қилинган UN ICT Taskforce ишчи гуруҳи олиб боради. Ўзбекистон БМТнинг бу борадаги режаларини қўллаб-қувватлайди ва амалга оширади. Ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 193 та аъзо-давлатларда аҳоли билан ишлашни оптималлаштириш учун миллий ҳукумат сайтлари ва интернет-технологиялари мавжуд. БМТ томонидан ҳар йил олиб бориладиган электрон ҳукумат ривожланиши даражасини ўрганиш бутунжаҳон тадқиқотининг 2018 йил маълумотларига кўра, Дания, Австралия, Корея Республикаси, Буюк Британия, Швеция, Финляндия, Сингапур, АҚШ, каби мамлакатлар юқори баҳоларга сазовор бўлишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармониға мувофиқ, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишға оид Давлат дастури тасдиқланган эди. Ҳаракатлар стратегияси бешта йўналишининг биринчиси ҳисобланган “давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш” йўналишида “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш кўзда тутилган¹.

Ахборот олиш ҳуқуқи тамоийллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли нормаларида мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Конституциянинг 29-моддасида қуйидагича мустаҳкамланган, яъни “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқиға эға. Ҳар ким ўзи истаган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 Фармони.

ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқиға эға, амалдағи конституциявий тузумға қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир”². Давлат бошқарувига замонавий ахборот тизимларини татбиқ қилиш ва “Электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш масалалари 10 дан ортиқ қонун-ҳужжатларида ўз аксини топган бўлиб, улар қаторига “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”, “Электрон тижорат тўғрисида”, “Электрон тўловлар тўғрисида”, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиғи тўғрисида”, “Электрон ҳукумат тўғрисида”, “Давлат харидлари тўғрисида”, “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида” каби қонунларни киритиш мумкин.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиғи. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ф1. Жамият ривожланиши, давлат ва ҳуқуқ назарияси, иқтисодиёт рақобатбардошлиғи” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. “Электрон ҳукумат” тизими, унинг ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланиши, ҳозирги кунда давлат ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятида АКТни қўллаш ва “Электрон ҳукумат” тизимини жорий қилишнинг илмий-назарий масалалари мамлакатимизда мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Ҳозирги кунда мамлакатда жорий қилинган ва ривожланаётган “Электрон ҳукумат” тизимини, унинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига жорий қилинишини тартибга солиш масалалари ҳамда унинг истиқболлари мамлакатимиз олимлари томонидан комплекс жиҳатдан ўрганилмаган бўлсада, айрим олимлар тизимни ташкил қилиш билан боғлиқ ижобий ҳолатларни қайд этишган. Хусусан, М.Ахмедшаева, Б.Жураев, Х.Маматов каби ҳуқуқшунослар ўз ишларида “Электрон ҳукумат” тизимига урғу беришган, И.З.Абдуллаев, С.М.Адилходжаева, О.Т.Хусанов, А.А.Азизходжаев, Ж.М.Абдуллаев, Х.Б.Бобоев, Ш.И.Жалилов, З.М.Исломов, Х.Т.Одилқориев, Ф.Х.Рахимов, А.Х.Саидов, Н.Сабуров, Ш.З.Уразаев, М.М.Файзиев, И.А.Хамедов, Э.Х.Халилов, А.А.Хамраевлар ишларида давлат органлари фаолиятида ОАВ ролини ошириш ишларини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган.

Ушбу жараёнда АКТ ва “Электрон ҳукумат” тизимига тегишли масалалар тадқиқотларнинг баъзи жиҳатларини асослаб беришда кўриб чиқилган. Шу сабабли интерактив давлат хизматларини кўрсатиш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларнинг фаолиятини виртуаллаштириш соҳасини ривожлантиришни, “электрон демократия”га қараб ҳаракатланишни акс эттирган бир қатор хорижий олимларнинг ишларини таъкидлаб ўтиш жоиз, жумладан: Н.Н.Телешина, Ю.А.Тихомиров, И.Л.Бачило, И.Ю.Богдановская, Н.А.Данилов, П.В.Григорьев, Т.В.Закупень,

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – 8 б.

А.Н.Костюков, Е.М.Стирин, Е.А.Яковлева, П.А.Чигасова,
Ю.И.Стецковского, А.А.Гришкова, В.А.Козбаненко, А.Ф.Ноздрачева,
Г.В.Атаманчук, В.А.Лоскутова ва бошқалар³.

Ушбу тадқиқотнинг назарий асоси учун давлат органлари фаолиятида замонавий технологияларни ижтимоий таҳлил нуқтаи назаридан қўллаш афзалликларини кўриб чиққан олимларнинг, жумладан А.Павличев, С.Беллами, Д.Вест, Б.Гага, М.Малкиналарнинг ишлари катта аҳамият касб этади. Уларнинг киберҳукуматни ташкил қилишнинг асосий босқичи ҳамда аҳоли томонидан замонавий технологиялардан фойдаланишда балансни ўрнатишнинг ажралмас элементи эканлиги ҳақидаги ғоялар “Электрон ҳукумат” тизимини ташкил қилишда моддий-техник имкониятларининг барқарор бўлиш зарурлиги тўғрисида хулосаларга асос бўлиб хизмат қилди.

Давлат ҳокимият органлари фаолияти очиқлигини ривожлантириш таҳлилига ижтимоий ҳодиса сифатида қараган Ж.Гелбрейт, Д.Норт, Ж.Серл, Т.Эггертсон, Ж.Веблен ишлари тадқиқотнинг назарий асосини ташкил қилди.

“Электрон ҳукумат” тизимини ташкил қилишга салбий таъсир кўрсатган омилларни аниқлаган ва уларни бартараф қилиш бўйича асосли таклифлар киритган тадқиқотчилар сифатида Н.А.Данилов, С.В.Григорьев, Н.А.Храмцовская каби олимларни кўрсатиш мумкин. Мазкур олимларнинг ишларида “Электрон ҳукумат” тизимидан фойдаланиш ва татбиқ қилиш ўзига хосликлари кўриб чиқилган, шунингдек давлат тизимини ташкил қилиш учун салоҳият етарли ёки етарли эмаслиқни баҳолаш мезонлари ўз аксини топди.

Юридик адабиётларда АКТдан фойдаланиб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларнинг баъзи жиҳатлари илмий ва методологик нуқтаи назардан кўриб чиқилган бўлсада, демократик-ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда “Электрон ҳукумат” тизимини ташкил қилишнинг назарий-концептуал масалалари, давлат органлари фаолиятида замонавий технологиялардан фойдаланиш даражаси мутахассислар тадқиқотларида алоҳида кўриб чиқилмаган. “Электрон ҳукумат” тизимининг амалий ва назарий жиҳатлари 2009-2010 йилларда ўрганила бошланди. Ушбу мавзу Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизими учун янги ҳисобланади ва шу сабабли бу борада комплекс тадқиқотлар ҳозиргача йўқ. Мавзуга оид мавжуд ишлар ахборот ва оммабоп характерга эга бўлиб, уларда “Электрон ҳукумат” тизимининг пайдо бўлиши сабаблари ва босқичлари билан боғлиқ илмий-назарий масалалар кўриб чиқилмаган. Шунинг учун бу соҳада амалга оширилаётган тадқиқотлар даражаси жамиятимизни модернизациялаш ва ислоҳ қилиш бўйича устувор талабларга жавоб бермайди. “Электрон ҳукумат” тизимини ташкил қилишдан асосий мақсад – давлат, шахс ва жамият ўртасида муносабатларни соддалаштириш, барча учта таркибий қисмларни ривожлантириш кераклигини ҳисобга олган ҳолда эса ушбу

³ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

тармоқнинг муаммоларини ҳуқуқшуносликнинг асосий фанлари бўлган “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Конституциявий ҳуқуқ” нуктаи назаридан кўриб чиқиш лозим.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЁА2-ФҚ-0-30068 ЁА2-010 “Ўзбекистонда электрон ҳукуматини ривожлантириш: аҳамияти, вазифалари, асосий босқичлари” (2015–2016 й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида “электрон ҳукумат” тизими ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш, “электрон ҳукумат” тизимининг ҳуқуқий ва институционал механизмларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ахборот макони шароитида давлатни тадқиқ қилиш;

“электрон ҳукумат” тизими шаклланишининг назарий асослари, унинг тушунчаси, моҳияти ва ўзига хосликларини ўрганиш;

дунёда “e-Government” назарий моделларининг қиёслаш орқали ўрганиш;

“электрон ҳукумат” тизимини яратиш ва ривожлантириш бўйича хориж тажрибасини ўрганиш;

Ўзбекистонда “электрон ҳукумат” тизимининг шаклланиш босқичлари ҳамда норматив-ҳуқуқий базанинг шаклланишини тадқиқ қилиш;

“электрон ҳукумат” тизими ривожланиши доирасида давлат хизматлари институтининг ривожланиши ва такомиллашини ўрганиш;

“электрон ҳукумат” тизими ривожланишининг яхшилашини баҳолашнинг халқаро методологияси бўйича “электрон ҳукумат” тизими самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти “электрон ҳукумат” тушунчаси, “электрон ҳукумат” тизими ёрдамида ушбу функцияни амалга ошириш механизми ва давлатнинг янги функциясини шакллантириш, АКТдан фойдаланган ҳолда жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш, шунингдек “электрон ҳукумат” тизими доирасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети халқаро тажрибани ўрганиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда “электрон ҳукумат” тизимининг ҳуқуқий асослари, ушбу соҳанинг асосий тушунчалари ва тамойиллари, муаммолари ва назарий билимларини белгиловчи, тадқиқотнинг юридик табиатини очиб берувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда мантиқий, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, махсус-юридик, таҳлилий ва институционал усуллар каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“электрон ҳукумат” тизининг ривожланиши доирасида илмий ахборотни йиғиш, тўплаш, ишлов бериш, сақлаш ва фойдаланишни амалга оширувчи, шунингдек миллий ва халқаро илмий нашрлар, ахборот фондлари, тизимлар, банклар ва маълумотлар базаларидан фойдаланишни таъминловчи илмий ташкилотлар, ахборот-кутубхона марказлари фаолиятига ёрдам кўрсатиш зарурлиги асослаб берилган;

ҳозирги кунда жаҳондаги мавжуд ва кенгайиб бораётган ахборот макони шароитида мазкур глобал ахборот маконига интеграциялашиш учун мамлакат илмий муассасалари ахборот инфратузилмасини такомиллаштириш, илмий фаолият ва миллий ахборот маконини ўзвий боғлиқлигини турли усул ва услублар орқали (илмий нашрлар, журналлар, веб-саҳифалар ва бошқалар) таъминлаш лозимлиги, илмий фаолият соҳасида фаолият олиб боровчи муассаса ва ташкилотларнинг жаҳон илмий ахборот маконига интеграциялашиши учун шароитлар яратиш таклифлари асосланган;

Ўзбекистонда “электрон ҳукумат” тизимининг ривожланиши шароитида давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг электрон тизимларда ишлаш кўникмалари етарли даражада эмаслиги кўп ҳолатларда мазкур давлат органи ёки ташкилотининг иш тезлигига салбий таъсир ўтказиб, аҳолининг давлат хизматларини олиш вақтининг узайишига олиб келмоқда. Шу муносабат билан давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари учун Ягона электрон тизим орқали ишлаш моҳияти ва тартибини тушунтириш бўйича таништирув семинарларини тизимли асосда ўтказиш таклифи асосланган;

норматив-ҳукукий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва киритишни электронлаштириш тизимини жорий қилиш, тизимнинг самарали ишлашида келиб чиқадиган муаммоларни ўз вақтида ўрганиш мақсадида вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати ҳужжатлари лойиҳаларини фақатгина Ягона электрон тизим орқали ишлаб чиқиш, келишиш (виза қўйиш) ва киритиш жараёнини доимий мониторинги Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан амалга оширилиши зарурлиги таклифи асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“электрон ҳукумат” атамасини аниқлаштириш мақсадида “электрон ҳукумат” таърифининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

ахборотлашган жамият ривожланиши натижасида давлат бошқарувида давлатнинг ахборот (информацион) функциясини кучайтириш зарурлиги асослаб берилган ва давлатнинг ахборот (информацион) функциясига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

ахборотлашган маконда ривожланаётган давлатнинг ахборотга нисбатан турли, шу жумладан вертуал хуружлардан сақланиш ва

ҳавфсизликни таъминлаш борасида давлатнинг ахборот хавфсизлиги таърифига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

дунёда “электрон ҳукумат” моделлари таснифига турли ёндашувлар мавжудлиги ва ёндашувлардан бири 4 та асосий модел (континентал-европача, инглиз-америкача, осиёча ва россияча)га асосланганлигини инобатга олиб, МДХ мамлакатлари моделини ажратилиши лозимлиги таклифи асослантирилди;

“электрон ҳукумат” тизимини мамлакатда самарали жорий қилиш учун давлат бошқаруви бўйича ислохотларни чуқурлаштириш зарурлиги асослантирилди ва бошқарувнинг тўрт йўналиши, яъни, биринчиси, давлат органлари ва ташкилотларининг электрон ҳужжат алмашинувига тўлиқ ўтишга, иккинчиси, маъмурий ислохотларни кенгайтириш ва кучайтириш орқали маъмурий процедураларни ва давлат органлари ва ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган электрон хизматларнинг сифат ва самарадорлигини ҳамда тезлигини ошириш, учинчиси, давлат органлари ва ташкилотлари бўйича “электрон ҳукумат” тизимини янада ривожлантиришни ўзида ифода этган ислохотлар, тўртинчи, электрон келишувларнинг ягона стандартларини ишлаб чиқиш йўналишлари бўйича ислохотларни кучайтириш таклифи ишлаб чиқилди;

барча давлат хизматчилари ва олий ўқув юртлари бакалаврлари учун ““электрон ҳукумат” тизими асослари” янги ўқув курсларини жорий этиш зарурлиги бўйича таклифлар асослантирилди;

тадқиқот натижаларидан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва универститет қошидаги “Электрон ҳукумат” ўқув марказининг ўқув режасига “электрон ҳукумат”га оид фанлар киритилиши, ўқув дастурларининг ишлаб чиқишида фойдаланилди;

амалдаги қонунчиликка “электрон ҳукумат” тизимининг жорий этилиш самарадорлигини ошириш ва тизим доирасида амалга оширилаётган ислохотларни такомиллаштириш бўйича таклифлар асослантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишида фойдаланилган илмий адабиётлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий манбалардан олинган ҳамда улар тадқиқот ишида тегишли тартибда ҳавола қилинган. Илмий тадқиқот ишининг якуни бўйича назарий хулосалар ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанида мавжуд бўлган илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар, шунингдек “электрон ҳукумат” тизимида оид қонун ҳужжатлари, хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги ва тажрибасини қиёсий таҳлил қилиш асосида илгари сурилган. Шу билан бирга, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, диссертация ишининг дастлабки натижалари амалиётда жорий қилинганлиги ва бу ваколатли идоралар томонидан тегишли тартибда тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Биринчи навбатда мавзу бўйича кўриб чиқилаётган масалалар мустақил изланувчилар, илмий ходимлар, тадқиқотчилар, магистрантлар ва бакалаврият талабалари учун илмий манба сифатида фойдаланилиши мумкин. Бундан ташқари,

тадқиқот мавзуси бўйича ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар Ўзбекистон Республикасида “Электрон ҳукумат” тизимини ташкил қилиш ва ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин. Ушбу тадқиқот натижасида шаклланган таъриф, тушунча ва тамойилар мамлакатимиз ҳуқуқшунослиги учун янги бўлиб, катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Шунингдек, тадқиқот ишида кўриб чиқилган масалалар амалиёт билан бевосита боғлиқ, чунки мазкур ишнинг хулоса қисмида берилган таклифлар тўлалигича амалиётда қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Электрон ҳукумат” тизими ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланиши тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“электрон ҳукумат” тизимининг ривожланиши доирасида илмий ахборотни йиғиш, тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва ундан фойдаланишни амалга оширувчи илмий муассаса ва ташкилотларга давлат органлари томонидан ҳар томонлама ёрдам кўрсатилиши билан боғлиқ таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-576-сонли Қонунининг 29-моддаси тўртинчи хатбошисига (Давлат бошқаруви органлари илмий ахборотни йиғиш, тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва ундан фойдаланишни амалга оширувчи илмий ташкилотлар, ахборот-кутубхона марказлари фаолиятига ёрдам кўрсатади, илмий маҳсулотлар, бунда илмий журналлар, китоблар ва бошқа босма нашрларни чоп этиш ҳамда тарқатиш, миллий ва халқаро илмий нашрлар, ахборот жамғармалари, тизимлари, маълумотлар банки ва базаларига киришга кўмаклашади) жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2019 йил 5 ноябрдаги 04/5-05-109-А-сонли далолатномаси). Мазкур илмий натижадан фойдаланиш илмий ахборотга ишлов берувчи илмий муассаса ва ташкилотларнинг самарали фаолият олиб боришига имкон берди, моддий-техник жиҳатдан енгиллик яратишга хизмат қилган;

глобал ахборот маконига интеграциялашиш учун мамлакат илмий муассасалари ахборот инфратузилмасини такомиллаштириш лозимлигини назарда тутувчи таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-576-сонли Қонунининг 30-моддаси иккинчи хатбошисига (Илм-фан ва илмий фаолиятнинг миллий ахборот макони билан узвий боғлиқлиги илмий-ахборот инфратузилмасини такомиллаштириш орқали таъминланади;), илмий фаолият ва миллий ахборот маконини ўзвий боғлиқлигини турли усул ва услублар орқали (илмий нашрлар, журналлар, веб-саҳифалар ва бошқалар) таъминлаш лозимлигини назарда тутувчи таклиф Қонуннинг 30-моддаси бешинчи хатбошисига (Илм-фан ва илмий фаолиятнинг миллий ахборот макони билан узвий боғлиқлиги ихтисослаштирилган илмий нашрлар, оммавий ахборот воситалари, веб-сайтлар тузиш ва улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали таъминланади;), илмий фаолият соҳасида фаолият олиб

бoрyвчи мyаccacа вa тaшкилoтларнинг жaҳoн илмий aхбoрoт мaкoнигa интeгрaциялaшиши yчyн шaрoитлар яpaтиш тaклифи Қoнyннинг 30-мoддaси eттинчи хaтбoшисигa (глoбaл aхбoрoт мaкoнининг тeгишли рeсyрслaридaн фoйдaлaнишнинг хyкyқий вa иқтисoдий чoрaларини кўриш хaмдa бoшқa yсуллар oрқaли тaъминлaнaди) жoрий қилинган (Ўзбекистoн Рeспyбликaси Oлий Мажлиси Қoнyнчилик пaлaтaси Фaн, тaълим, мaдaният вa cпoрт мaсaлaлари кўмитaсининг 2019 йил 5 нoябрдаги 04/5-05-109-А-сонли дaлoлaтнoмaси). Мaзкyр тaклиф вa тaвсиялардaн фoйдaлaниш илмий aхбoрoтгa ишлoв бeрyвчи илмий мyаccacа вa тaшкилoтлар вa илмий фaолият билaн шyғyллaнyвчи илмий мyаccacа хaмдa тaдқиқoтчилар yчyн интeрнeт oрқaли жaҳoндaги eтaкчи илмий фoндлaри вa рeсyрслaридaн фoйдaлaниш имкoниятларини нaзaрдa тyтгaн;

дaвлaт oрганлaри вa тaшкилoтлари хизмaтчиларининг кoмпьyтeр сaвoдхoнлигини oшириш, yларнинг элeктpoн тизимлар билaн ишлaш кўникмaларини кyчaйтириш билaн бoғлиқ тaклифлaри Ўзбекистoн Рeспyбликaси Вaзирлар Мaҳкaмaсининг 2019 йил 8 aпрeлдaги “Нoрмaтив-хyкyқий хyжжaтлар лoйиҳaларини ишлaб чиқиш вa кeлишишнинг Ягoнa элeктpoн тизимини жoрий этишнинг тaшкилий чoрa-тaдбирлaри тўғрисида”ги 284-сон қaрoрининг 4 бaнди yчинчи хaтбoшисини ишлaб чиқишдa фoйдaлaнилган (Ўзбекистoн Рeспyбликaси Aхбoрoт тeхнoлoгиялaри вa кoммyникaцияларини ривoжлaнтириш вaзирлигининг 2019 йил 9 oктябрдаги 32-8/7066-сон дaлoлaтнoмaси). Мaзкyр тaклиф дaвлaт хизмaтчилaри yчyн Ягoнa элeктpoн тизимдa ишлaш кўникмaларини oшириб yларнинг кoмпьyтeр сaвoдхoнлигининг oширилишигa хизмaт қилган;

дaвлaт oрганлaри вa тaшкилoтларидa вaқтни тeжaш вa oртиқчa қoғoзбoзликнинг oлдини oлиш мaқсaдидa нoрмaтив-хyкyқий хyжжaтлар лoйиҳaларини ишлaб чиқиш вa кeлишишнинг Ягoнa элeктpoн тизимидa oлиб бoрилaдигaн ишларни мoнитoринг қилиш кeрaклигидaн кeлиб чиқиб, yшбy вaкoлaт Ўзбекистoн Рeспyбликaси Aдлия Вaзирлигигa бeрилиши кeрaклиги тaклифи Ўзбекистoн Рeспyбликaси Вaзирлар Мaҳкaмaсининг 2019 йил 8 aпрeлдaги “Нoрмaтив-хyкyқий хyжжaтлар лoйиҳaларини ишлaб чиқиш вa кeлишишнинг Ягoнa элeктpoн тизимини жoрий этишнинг тaшкилий чoрa-тaдбирлaри тўғрисида”ги 284-сонли қaрoрининг 7 бaнди б) қисми yчинчи хaтбoшисини ишлaб чиқишдa фoйдaлaнилган (Ўзбекистoн Рeспyбликaси Aхбoрoт тeхнoлoгиялaри вa кoммyникaцияларини ривoжлaнтириш вaзирлигининг 2019 йил 9 oктябрдаги 32-8/7066-сон дaлoлaтнoмaси). Мaзкyр тaклиф тизимдaги oлиб бoрилaётгaн ишларни мoнитoринг вa тaҳлил қилиш, тизимнинг ишлaши билaн бoғлиқ мyaммoларини ўз вaқтидa бaртaрaф этиш, yнинг сaмaрaдoрлигини oшириш бўйичa тaклиф вa тaвсияларни кўриб чиқиш бўйичa вaкoлaтли дaвлaт oргaни aниқлaштирилишигa хизмaт қилган.

Тaдқиқoт нaтижaларининг aпрoбaцияси. Тaдқиқoт нaтижaлaри 3 тa хaлқaрo вa 2 тa Рeспyбликa илмий-нaзaрий aнжyмaнларидa мyҳoкaмaдaн ўткaзилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Илмий тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан битта монография, 16 та илмий-оммабоп мақола (1 та хорижий нашрда) чоп этилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 6 та параграфдан иборат бўлган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 182 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ қилинаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусини диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритиб берилган.

“Электрон ҳукумат” тизимини тадқиқ қилишнинг назарий-методологик асослари” деб номланган, учта параграфдан ташкил топган биринчи бобда ахборот макони ва ахборот-коммуникация технологиялар ривожланиши шароитида давлат; “электрон ҳукумат” – “e-Government” тизими тушунчаси, моҳияти ва хусусиятлари кўриб чиқилган ҳамда жаҳондаги “e-Government” назарий моделлари кўриб чиқилган.

Давлат ахборот маконида ўзгаради, узоқ келажак авлодларига ҳокимият ва бошқарув самарадорлигини ошириш учун ахборот маконидан фойдаланиш вазифаси ҳам такомиллашиб бормоқда. Яна бир глобал вазифа жамият ва давлатни ахборот коммуникациялари ёрдамида яқинлаштиришдан иборат. Ахборот маконида давлат бошқаруви ўзаро боғлиқ институтлар тизими орқали амалга оширилади ҳамда ягона тармоқни ташкил қилади. Ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланиш “тармоқ” институтлари маълумотларининг ўзаро ишлашини ташкил қилишда самарадорликни оширишдаги роли борлиги шубҳасиз.

Буларнинг асосида бир қатор назарий хулоса ва натижалар ишлаб чиқилган.

Диссертацияда тадқиқот илмий апаратини тўлдирган бир қатор қуйидаги муаллифлик таърифлари берилган:

Ахборот макони – ахборотлашган жамиятни шакллантирувчи ягона умумий ўрнатилган қоидалар ва тамойиллар бўйича ишловчи ахборот инфратузилма ва ахборот ресурсларнинг йиғиндиси.

Давлатнинг ахборот функцияси – бу ахборотни яратиш, узатиш ва сақлаш, шунингдек ахборот-коммуникация тизимлари, инсоннинг ахборот олиш ҳуқуқлари ҳамда мамлакатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолият йўналиши;

Давлатнинг ахборот хавфсизлиги – мамлакатнинг ахборот макони, давлат ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминловчи ахборот соҳасидаги миллий манфаатларнинг ҳимояланганлиги.

Келтирилган “электрон ҳукумат” тушунчалари таҳлили давомида, қуйидаги ажралмас жиҳатларга эътибор берилган. Биринчидан, “электрон ҳукумат”, аввало, ахборот тақдим қилиш, давлат органларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш усулидир. “Электрон ҳукумат” орқали фуқаролар ҳокимият қабул қилган қарорлар билан танишишади. Иккинчидан, “электрон ҳукумат” – бу мамлакат миқёсида бошқарув жараёнлари йиғиндисини автоматлаштиришда асосланган ҳамда жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун ижтимоий коммуникацияларнинг сарф-харажатларни қисқартириш ва давлат бошқарув самарадорлигини ошириш мақсадларига хизмат қилувчи давлат бошқаруви электрон ҳужжат айланиши тизими. Учинчидан, “электрон ҳукумат” орқали фуқаролар нафақат ҳокимият органларида қабул қилинган қарорлар билан танишишга, балки қарорлар қабул қилишда ҳам иштирок этиши мумкин. Тўртинчидан, “электрон ҳукумат” – бу давлат хизматларнинг шаклланган мажмуини фуқароларга, бизнесга, давлат бошқарув ҳокимиятининг бошқа тармоғига кўрсатиш, бунда давлат ва ариза берувчи ўртасида шахсий муносабатлар имкон қадар камайтирилган ва ахборот технологияларидан максимал даражада фойдаланилади, бу эса коррупциянинг олдини олади. Бешинчидан, “электрон ҳукумат” – давлат бошқарув самарадорлигини ошириш мақсадида фаолият юритувчи техник ва дастурий ресурслар йиғиндиси. Электрон ҳукуматнинг яратилиши давлат бошқарув жараёнини мақбуллаштиради ҳамда унинг самарадорлигини оширади. Олтинчидан, “электрон ҳукумат” – бу давлат органлари ва жамият ўртасида бевосита ва қайта алоқа ўрнатишнинг самарали усули, аммо жамият ахборотлашган жамият даражасига кўтарилиши зарурлигини ҳисобга олиш керак. **“Электрон ҳукумат” – бу фуқаролик жамияти билан давлатнинг самарали ўзаро боғлиқлиги тизимини ташкил қилиш ва ривожлантириш, ахборот макони шароитида давлат органлар фаолияти очиқлиги, уларнинг масъулиятини ошириш тизими.** Бўлажак “электрон ҳукумат”нинг асосий хусусиятлари алоҳида мамлакатлар сиёсий-иқтисодий тизимларига мувофиқ, хусусан, ушбу лойиҳаларни ишга тушириш бўйича ташаббуснинг сиёсий манбаси, унинг ҳаракатлар изчиллиги, жалб қилинган иқтисодий ва ижтимоий ресурсларга боғлиқ ҳолда шаклланади.

Тадқиқотда жаҳондаги “электрон ҳукумат” назарий моделларининг таҳлили келтирилган. “Электрон ҳукумат”нинг асосий моделларни кўриб чиқиш натижасида муаллифлик таснифи таклиф қилиниб, унга кўра асосий моделлар ғарбий ва шарқий турларга ажратилган, континентал-Европа

моделли ҳақида сўз юритилганда, унинг негизида АҚШ “электрон ҳукумат” модели ётади. Континентал-Европа ва Англия-Америка моделларининг фарқи шундан иборатки, Европа Иттифоқи 28 та мамлакатни бирлаштирган ва давлатдан устун олий органлари мавжуд, лекин “e-Government” ушбу моделларининг фаолият юритишида принципиал фарқлар йўқ, шунинг учун иккита моделни ҳам ғарбий моделга киритиш мумкин. Аммо “e-Government” шарқий ва ғарбий моделларига ажратиш таснифи унчалик тўғри эмас, чунки бунда МДХ мамлакатларида “электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш ва яратиш хусусиятлари ҳисобга олинмайди.

“Электрон ҳукумат шаклланиши ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари: хорижий тажриба ва миллий амалиёт” деб номланган иккинчи бобда “электрон ҳукумат”ни шакллантириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасининг таҳлили келтирилган. Жумладан, Корея Республикасида электрон ҳукумат яратишнинг Стратегияси бўйича ўтказилган таҳлил қуйидаги хусусиятларни қайд қилишга имкон берди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орасида Кореяда ахборот тармоқлари тўғрисидаги асосий қонун 1986 йилда, ахборотлаштиришни ўтказиш тўғрисидаги қонунлар – 1995 йилда, электрон рақамли имзо тўғрисида – 1999 йилда, рақамли тўсиқ тўғрисида – 2000 йилда, электрон ҳукумат тўғрисида – 2001 йилда, аризаларни электрон тарзда бериш тўғрисида – 2005 йилда қабул қилинганлигини таъкидлаш жоиз. Корея Республикасида турли мақсадли гуруҳлар учун умумий компьютер саводхонлигини ошириш бўйича, бир марталик эмас, балки доимий асосда кенг кўламли тадбирлар ўтказилди. АҚШ тажрибасини умумлаштирган ҳолда қайд этиладики, электрон ҳукумат концепцияси, энг аввало, ижро ҳокимиятида ишлаш тартибини, шунингдек тижорат компаниялар ва фуқароларнинг қулайлиги учун бизнес-жараёнларни тубдан ўзгартиришга қаратилганлигидир. Шу билан бирга, “электрон ҳукумат” тизимининг фаолият юритишини ҳамда “электрон ҳукумат” тизими маълумотлар базасида сақланадиган ахборот хавфсизлиги ва сақланишини таъминловчи институционал тузилмаларни ривожлантиришга жиддий эътибор берилган.

XXI асрда давлат томонидан ахборот функцияларни, жумладан давлат органларининг очиқлигини таъминлаш, интерактив давлат хизматларини тақдим этиш, “Электрон ҳукумат”ни яратиш ва ривожлантириш кабиларни муваффақиятли бажарилишига, мамлакатнинг ички ва ташқи фаровонлигига боғлиқдир. Ҳар бир давлат ўз иқтисодий ва технологик шароитларидан келиб чиқиб, ўзининг “Электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш Стратегиясини танлайди. Ахборотлашган давлатни яратиш, қоидага кўра, “Электрон ҳукумат” тизимининг шакллантирилишидан олдин келади ва бир неча таркибий қисмларга эга бўлади. Биринчидан, дастурий таъминотни илгари суриш ва давлат органлари ва фуқаролик жамиятини ялпи компьютерлаштириш. Иккинчидан, давлат бошқарув органларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, расмий сайтлар орқали қабул қилинган қарорлар билан

таништириш. Учинчидан, компьютерларни серверлар, компьютер тармоқлари орқали улаш, компьютер дастурларини бирхиллаштириш ва давлат органлари ўртасида электрон ҳужжат алмашинувини яратиш, қоғозли ҳужжат алмашинувини бекор қилиш, яъни давлатнинг тўлиқ компьютер инфратузилмасини яратиш. Тўртинчидан, ахборот муҳитининг яратилишини тартибга солувчи, ахборот ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, ахборот субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи, ахборот хавфсизликни таъминловчи ҳуқуқий базани яратиш. Бешинчидан, аҳолининг компьютер саводхонлигини ошириш, бутун ҳудудда компьютерлаштириш бўйича бир хил даражага келтириш. Олтинчидан, давлат хизматларини ахборот майдонига ўтказиш, фуқаролик жамияти субъектларига “Электрон ҳукумат” тизими доирасида давлат хизматларини кўрсатиш, давлат хизматларини кўрсатишни иқтисодиёт секторлари бўйича мувофиқлаштириш. Еттинчидан, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида “Электрон ҳукумат” тизими воситасида интерактив мулоқотни йўлга қўйиш. Саккизинчидан, “рақамли демократия” маданиятини шакллантириш, фуқароларнинг давлат қарорларини қабул қилишда иштирок этиши, жамоатчилик назоратини кучайтириш, масалан, “Электрон ҳукумат” тизими ёрдамида давлат бюджети маблағларининг сарфланишини кузатиш. Бобда Ўзбекистонда “Электрон ҳукумат” тизими норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилишининг тавсифи, мамлакатда “Электрон ҳукумат” тизимининг шаклланиш босқичлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида “Электрон ҳукумат”нинг фаолият юритиши архитектураси, G2C, G2B, G2G, G2F йўналишлари бўйича “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш тузилмаси берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ахборот эркинлигини таъминлаш, келгусида фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ва уларнинг ушбу жараёнлардаги иштирокини жонлантиришнинг бирламчи ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Конституциянинг 29-моддасига биноан, “ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир”. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунининг 30-моддасида таъкидланишича, “Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сонли “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармонида биноан, ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, замонавий ахборот технологиялари ва жамиятнинг иқтисодий ва ҳаётий телекоммуникациялари компьютер техникаси ва воситаларини ялпи тадбиқ этиш ва улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборот эҳтиёжини

қондириш, мамлакатни дунё ахборот ҳамжамиятига интеграциялаш ва жаҳон ахборот ресурсларига кенг миқёсда кириб бориш учун шароит яратиш мақсадида қатор вазифалар белгилаб берилган эди⁴.

Давлат бошқарувига замонавий ахборот тизимларини тадбиқ этиш ва “Электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш масалалари 10 дан ортиқ қонун ҳужжатларида ўз аксини топди. “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”, “Электрон тижорат тўғрисида”, “Электрон тўловлар тўғрисида”, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Электрон ҳукумат тўғрисида”, “Давлат харидлари тўғрисида”, “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонун ва бошқалар шулар жумласидандир. Диссертацияда ушбу ҳужжатлар таҳлили ўз аксини топган.

Тадқиқот ишида “Электрон ҳукумат” бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шарҳи якунида, мамлакатимизда АКТни давлат бошқарувига тадбиқ этиш учун ташкилий-ҳуқуқий асослар шаклланганлиги таъкидлаб ўтилади. Бироқ АКТни тадбиқ этиш давлат бошқаруви самарадорлигини оширилганидан дарак бермайди. АКТнинг қўлланилиши давлат бошқаруви органлари фаолиятининг сифатини оширишга кафолат беролмайди. Кўплаб давлат муассасаларининг раҳбарлари янги компьютерлар сотиб оладилар, уларни интернет тармоғига улайдилар, локал тармоқ ўрнатадилар, аммо ташкилотнинг иш самарадорлигини қандай ошириш мумкинлиги тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга эмаслар.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикасида “Электрон ҳукумат” тизими бўйича норматив-ҳуқуқий базани шаклланишини кўриб чиқишда, у қуйидаги даражаларга ажратилади: 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; 2) Ўзбекистон Республикасининг умумий характерга эга махсус Қонунлари; 3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари; 4) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; 5) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Диссертацияда таъкидланишича, “Электрон ҳукумат”ни шакллантиришга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: биринчидан, давлат секторининг аҳоли ва тадбиркорликка хизмат кўрсатиш сифатини ошириш имкониятини берувчи АКТ инфратузилмасини йўлга қўйиш салоҳияти ёки қобилияти, яъни мамлакатнинг ҳокимият электрон институтларини яратишга тайёрлиги; иккинчидан, тайёр туриш, бу ҳокимият институтларининг аҳолини ахборот билан таъминлаш ва ахборот саводхонлигини (ёки қониқиш даражасини) оширишга йўналтирилган ҳаракатлар мавжудлигини аңлатади. Давлат бошқаруви тизимида

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сонли “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони.// “Халқ сўзи”. – 2002 йил 1 июнь.

АКТнинг ривож даражасини баҳолаш учун аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга Давлат хизматлари марказлари ва порталлари орқали кўрсатилаётган онлайн давлат хизматларига урғу берилган рейтинг методологияси муваффақиятли қўлланилмоқда. Ушбу хизматлар, асосан, интерактив, транзакцион хусусиятлар ва электрон иштирокни ўз ичига олади ва улар фуқароларнинг ҳукумат билан алоқасини таъминлайди. Глобал ахборот жамиятга самарали интеграцияланиш учун ривожланишнинг ахборот йиғиш билан боғлиқ босқичдан кейинги – билимларни шакллантириш ва тўплаш босқичига тезроқ ўтиш керак. Ахборот алмашинув билимлари ва технологиялари иқтисодий ҳамжамиятни ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланмоқда. Ишда давлат хизматчилари ва мамлакат олийгоҳларининг барча йўналиш бакалаврларига “Электрон ҳукумат тизими асослари” янги ўқув курсини киритиш, махсус олийгоҳлар учун “e-Gov” бўйича чуқурлаштирилган курсларни ишлаб чиқиш таклиф қилинган.

Учинчи бобда – **“Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш жараёнида “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш”** баҳолашнинг халқаро методологияси бўйича “Электрон ҳукумат” тизими самарадорлигини ошириш, “Электрон ҳукумат” доирасида давлат хизматлари институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш, шунингдек “рақамли иқтисодиёт”ни “электрон ҳукумат” тизими шароитидаги иқтисодиёт сифатида шакллантириш ва ривожлантириш масалалари кўриб чиқилган. Тадқиқотда қайд этилишича, ҳозирги вақтда “Электрон ҳукумат” тизими ишини баҳолашда халқаро ташкилотларнинг умумқабул қилинган методологиялари мавжуд бўлиб, улар жамиятда ахборот технологиялардан фойдаланиш доимий мониторингини амалга оширадilar. Шунинг учун “Электрон ҳукумат”ни такомиллаштириш масалаларини уни баҳолашнинг халқаро методологиясисиз ҳал қилиб бўлмайди. Диссертацияда “Электрон ҳукумат” мониторингига ихтисослаштирилган тўртта энг машҳур ва обрўли ташкилотларнинг таҳлиллари келтирилган: БМТ методологияси, “Economist Intelligence Unit” компанияси методикаси, “Accenture” компанияси методи, “Cap Gemini” компанияси методи.

“Электрон ҳукумат” тизимининг бошқа муҳим ва унинг ўзаро мослашганлик билан бевосита боғлиқ жиҳати электрон хизматлар етуклиги даражасини баҳолаш ҳисобланади. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, ҳозирги вақтда давлат томонидан кўрсатилаётган кўпгина давлат хизматлари ахборотни бир томонлама тақдим этиш билан чекланиб қолмоқда. Электрон хизматлар ривожланганлигининг жорий даражасини билиш тезроқ ва осонроқ илгарилаш имконини беради.

“Электрон ҳукумат” тизимининг самарадорлиги муҳим мезонларидан бири – давлат хизматларини тақдим этиш даражаси ва сифатидир. Давлат хизматлари – Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимига жорий қилинаётган янги институт. Маъмурий ислохотлар жиҳатидан давлат хизматлари давлат бошқарувини янгилаш – маъмурий органлар ва

тадбиркорлик субъектлари ўзаро ҳаракати жараёнларини электронлаштириш устувор йўналиши доирасида кун тартибида пайдо бўлди. Келгусида электрон форматга ўтказиш учун давлат бошқарувининг давлат хизматлари белгиларига мос келадиган тегишли функцияларини инвентаризациялаш зарур.

Барча давлат хизматлари тўртта гуруҳга бўлинган: даромад олиш билан боғлиқ хизматлар гуруҳи: фуқаролар ва тадбиркорликдан олинадиган фойда ҳукумат ғазнасига келадиган хизматлар гуруҳи (асосан, солиқлар ва ижтимоий суғурта жамғармасига тўловлар); – рўйхатга олиш билан боғлиқ хизматлар гуруҳи: шахсий маълумотларни ёки нарсаларнинг маъмурий мажбурият натижаси сифатидаги маълумотларни қайд этиш; – декларациялар билан боғлиқ хизматлар гуруҳи: фуқаролар ва тадбиркорликка солиқ ва бадалларни тўлаш учун декларациялар тақдим этувчи давлат хизматлари; – рухсатномалар ва лицензиялар билан боғлиқ давлат хизматлари: ҳукумат ташкилотлари томонидан уй қуриш, корхонани бошқариш ва ҳ.з.ларга рухсат берувчи ҳужжатлар ва бошқалар. Бундан ташқари, электрон хизматларни сифат жиҳатлари бўйича бир неча тадқиқотлар ўтказилди. Индикаторлар тизими ва Еврокомиссия томонидан амалга оширилаётган ҳар йиллик қиёсий тадқиқотлар ривожланиш динамикасини такомиллаштириш даражасини икки гуруҳга ажратиш имконини беради: фуқаролар (G2C) ва тадбиркорлик (G2B) учун базавий электрон хизматлар. Тадбиркорлик (G2B) учун электрон давлат хизматларидан фойдаланиш қулайлиги даражаси фуқаролар (G2C) учун кўрсатилаётган хизматлар қулайлигидан баланд.

Глобал ахборот жамиятининг ривожланиши, Ўзбекистоннинг очик иқтисодиётга йўналтирилганлиги ва жаҳон бозорига тўлақонли интеграцияси шароитида, иқтисодиёт ва саноатнинг янги шароитларга жавоб берадиган сиёсатини ишлаб чиқиш биринчи ўринга чиқади. Рақамли иқтисодиёт ривожланиши, қишлоқ хўжалигини ҳам индустриялаштиришга мўлжалланган ахборот технологияларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ушбу сиёсатнинг муҳим йўналишларига айланиши керак. Рақамли иқтисодиёт энг даромадли ва тез ўсаётган, барча соҳаларда рақобатбардошликни ошириш, шунингдек иқтисодиётда АКТдан фойдаланишни, жумладан электрон савдонинг турли шакллари рағбатлантириш учун шароит яратади.

Давлат секторига “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этишнинг тўлиқ иқтисодий ва молиявий самарасини баҳолаш, айниқса хизматларни тақдим этиш учун бир неча ташкилотларни жалб этиш керак бўлган ҳолларда, техник жиҳатдан қийинчилик туғдиради. Бундан ташқари давлат муассасаларининг иши мамлакатдаги сиёсий вазиятга боғлиқ, ва сиёсий конъюнктура омили бартараф этилганда қўлга киритилган натижаларни ҳақиқатда баҳолаш учун, одатда кўп вақт талаб қилинади. Шунинг учун давлат органлари у ёки бу ҳаракатлардан келаётган харажатлари ва даромадларини ҳақиқатда ўрганганда, олинган натижаларни тезда эълон

қилишга интилмайдилар, сиёсий мақсадларга эришиш ёки истеъмолчилар талаблари билан белгиланган вазиятлар бундан мустасно.

Диссертацияда қайд этилишига кўра, иш самарадорлигини ошириш ва харажатларни анча камайтириш учун, ҳукумат электрон хизмат кўрсатиш ва АКТ иш самарадорлигини ошириш бўйича лойиҳаларни умумташкилий трансформацияга оид ташаббуслар, шу жумладан реструктуризация дастурлари, бизнес-жараёнларни қайта лойиҳалаш ва бажарилаётган иш тавсифини қатъий бошқариш каби дастурлар билан бирлаштириш керак. Шу билан бир қаторда хизматларни етказиб беришнинг, уларни тақдим этишга сарфланган харажатларни камайтиришга мўлжалланган янги каналларини илгари суришнинг самарали стратегияси ҳам зарур. Ушбу стратегиялар самарали маркетинг ёндашувларга ва электрон хизматлардан фойдаланишни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ва мажбурийлик ўртасида тегишли мутаносибликка асосланган бўлиши керак.

ХУЛОСА

Бажарилган иш натижалари назарий ва амалий жиҳатларни ўз ичига олувчи айрим хулосалар қилиш, шунингдек Ўзбекистонда “Электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларга ўз қарашларини тақдим этиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев - “Бизнинг кечиктириб бўлмайдиган, бугунги кунда ва келгусида долзарб бўлган вазифамиз – бутун “Электрон ҳукумат” тизимининг самарали ишлашини таъминлаш”, деб таъкидлади.

Стратегик вазифаларни бажаришга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида тасдиқланган “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари” йилида Ўзбекистон Республикасини бешта устувор йўналишлар бўйича ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясини жорий этишнинг Давлат дастури ҳам йўналтирилган⁵.

Бажарилган иш натижалари назарий, ҳамда амалий йўналишга эга айрим умумлаштирувчи хулосалар шакллантириш ва “электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларга ўз қарашларини тақдим этиш имконини беради.

I. Шахсий тадқиқотлар ва илмий манбаларни таҳлил қилиш асосида диссертацияда қуйидаги умумназарий хулосалар берилди:

1. Ахборот муҳити – ахборотлашган жамиятни шакллантирувчи ягона умумўрнатилган қоида ва тамойиллар бўйича ишлайдиган

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // “Халқ сўзи” 2017 йил 8 февраль № 28 (6692).

